

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАТСИЯ

Мамлакатимизда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини о'рнатиш, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик суб'ектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мансабдор шахсларнинг О'збекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ фаолият юритишини та'минлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини та'минлаш мақсадида Президент томонидан имзоланган Қонун (ЎР ПҚ-833-сон, 26.04.2023 й.) билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят-протсессуал кодексига киритилган қўшимчага кўра, кассатсия инстантсияси суди мансабдор шахсларнинг э'тиборини суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида йўл қўйилган камчиликларга қаратиш зарур бўлганда хусусий ажрим чиқаради. Жиноят ишида янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни тиклаш институти такомиллаштирилди. Жумладан, янги очилган ҳолатларнинг турлари аниқ белгилаб берилди. Бундан ташқари, томонлар тенглиги принципини та'минлаш учун янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни тиклаш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқи томонларга ҳам тақдим этилди. Илгари ушбу ҳуқуқ фақат прокурорда мавжуд эди.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғ'рисида”ги Қонунга киритилган ўзгартишга кўра:

Барча суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари 3 йил ичида ижрога топширилиши мумкин. Илгари иқтисодий судларники 6 ой ичида эди;

Давлат ижрочисининг ҳар қандай қарорлари ёки ҳаракатлари устидан шикоят фақат ма'мурий судга ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга берилади. Илгари Иқтисодий суд билан бог'лиқ ижро юзасидан иқтисодий судларга шикоят берилган. Шунингдек, Фуқаролик протсессуал кодексига киритилган қўшимчага мувофиқ, эндиликда ўзаро бог'лиқ бўлган, ба'зилари фуқаролик судига, ба'зилари эса ма'мурий судга

тааллуқли бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди. Илгари мазкур ишлар бирлаштирилиб барча талаблар фуқаролик судида кўрилган. Талаб фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда тақдим этилган тақдирда, да'во аризаси (ариза) тааллуқлилигига кўра иқтисодий судга ёки ма'мурий судга кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Иқтисодий ёки ма'мурий суддан ариза ёки иш материаллари судга тааллуқлилигига кўра келиб тушганда судья ариза тегишли талабларга мувофиқ эмаслигини аниқлагач, ариза судга келиб тушган кундан э'тиборан 10 кундан кечиктирмай да'вогарни (аризачини) камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғ'рисида хабардор қилади ва унга бунинг учун 10 кундан ошмайдиган муддат беради. Бундан ташқари, мазкур Кодексга кассатсия шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш ҳамда кассатсия шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш билан бог'лиқ асослар киритилди.

Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди судяси Ш.Ғозиев